

мoliyalashtirish va milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi. Zamonaviy sharoitda raqamli moliya, ESG standartlari va yashil moliyaviy instrumentlarni keng joriy etish fond bozori istiqbollarini yanada kengaytiradi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 13.04.2021 yildagi "Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6207-son Farmoni <https://lex.uz/ru/docs/-5371091?ONDATE2=28.11.2024&action=compare>
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi "Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" gi PF-60-sonli Farmoni. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>
3. O'zbekiston Respublikasining 03.06.2015 yildagi "Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida"gi O'RQ-387-sonli Qonun <https://lex.uz/docs/-2662539>
4. Becha, H., Kalai, M., Houidi, S., & Helali, K. (2025). Digital financial inclusion, environmental sustainability and regional economic growth in China. Journal of Economic Structures, 14. <https://doi.org/10.1186/s40008-025-00347-4>
5. Chen, X., Wan, P., Ma, Z., & Yang, Y. (2024). Does corporate digital transformation restrain ESG decoupling? Evidence from China. Humanities and Social Sciences Communications, 11, Article 2921. <https://doi.org/10.1038/s41599-024-02921-w>
6. Kodiyatt, S. J., Nair, B. A. V., & Jacob, M. S. (2024). Does green bond issuance enhance market return of equity shares in the Indian stock market? Asian Journal of Financial Studies. <https://doi.org/10.1111/ajfs.12459>
7. Abdullayev, Y. A. (2021). Kapital bozori va uning iqtisodiyotni modernizatsiya qilishdagi o'rni. Toshkent: Iqtisodiyot nashriyoti.
8. Vahobov, A. V., & Xodjayev, B. Y. (2020). Investitsiyalarni moliyalashtirish va kapital bozori rivoji. Toshkent: Universitet nashriyoti.

## **ИҚТИСОДИЁТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА ШАКЛЛАНГАН ФОНД БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАЪРИФЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Хўжамуродов Асқаржон Жалолович**

Тошкент кимё-технология институти

"Менежменти" кафедраси мудири, (PhD), доцент

Фонд бозори инфратузилмаси, бу фонд бозорининг самарали фаолият юритиши ва мавжуд бўлиш шarti ҳисобланган, фонд бозори қонун қоидаларига асосан фаолият юритадиган, алоҳида ҳамда мустақил бўлган тизим ва тузилмалар мажмуаси сифатида талқин этилади. Шу нуқтаи назардан, фонд бозори инфратузилмаси инвестицион фаолиятга боғлиқ бўлиб, шу орқали иқтисодиётни барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини оширишдаги ўрни муҳим эканлигини инобатга олиб, фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблайди.

Замонавий иқтисодий адабиётда, умуман, бозор инфратузилмаси ва, хусусан, фонд инфратузилмаси тушунчаси турлича талқин қилинади. Таърифларнинг ва турлича талқинларнинг кўплиги мазкур тушунчаларга таъриф беришга ёндашувлар кўплиги билан боғлиқ. Тадқиқот предмети бўйича замонавий фанда бозор инфратузилмасига берилган таърифларни учта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Бозор инфратузилмаси – фаолият соҳалари ва тармоқлари мажмуаси бўлиб,

унинг функционал вазифаси ишлаб чиқариш ва бозор самарали ривожланишини таъминлаш учун умумий шарт-шароит яратишдан иборат.

“Инфратузилма” тушунчаси турлича талқин қилинишига қарамай, бу талқинларда умумийлик ҳам бор – бозор шаклланиши, ривожланиши ва самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш. Қайта ишлаб чиқариш жараёни доирасидаги иқтисодий муносабатларнинг бутун тизими билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда, фонд бозори инфратузилмаси бозор муносабатларига жалб қилинган барча хўжалик юритувчи субъектлар яхши ривожланишининг зарурий шартидир.

Фонд бозори инфратузилмаси бозор инфратузилмасининг таркибий қисми ҳисобланади, шу боис бозор инфратузилмасининг моҳиятини таърифлашга ёндашувлардан фонд бозорининг инфратузилмасини таърифлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Қуйида мавжуд ёндашувлар доирасида фонд бозори инфратузилмасига берилган айрим таърифлар келтирилади.

Таҳлил натижалари “фонд бозори инфратузилмаси” тушунчасига таъриф беришга асосий илмий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, фонд бозори инфратузилмасига тушунчасининг ягона ва тизимлашган ёндашуви мавжуд эмас деган хулосага келди. “Фонд инфратузилмаси” тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи асосий ғояларни таққослаган ҳолда, тадқиқот предмети бўйича таърифлар тўртта асосий гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Бозорга хизмат кўрсатадиган фаолият соҳалари комплекси.
2. Бозорда битим тузилиши ва ижро этилиши жараёнига хизмат кўрсатадиган жами институтлар.
3. Фонд бозори ишлашини таъминлайдиган техник воситалар ва асбоб-ускуналар комплекси.
4. Фонд бозоридаги рискларни суғурта қилиш тизими.

Турли илмий талқинларни эътиборга олган ҳолда, таъкидлаш мумкинки фонд бозори инфратузилмаси - ўзини ўзи ташкил этадиган мураккаб тизим бўлиб, қимматли қоғозларнинг товар ҳаракати жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатадиган муассасалар, фонд бозорининг ишлаши таъминланадиган технологиялар комплексини ўз ичига олади.

Фонд бозорининг инфратузилма тизими икки даражали бўлиб, биринчи даражаси – ички ташкилий муҳит. Бу даража функция ва фаолият ихтисослигини чегаралаган ҳолда, битимлар тузиш ва уларни ижро этиш жараёни амалга ошишини таъминлайди, иккинчи даража – ташқи кичик тизим. Ички инфратузилмага хизмат қилади ва у нормал ишлашини таъминлайди.

Инфратузилмани бозор қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи тизим сифатида структуралаш бозор яратилиши ва ташкил этилишида бевосита иштирок этадиган тизим ташкил этувчи (ички) ва ёрдамчи инфратузилмани ажратиш имконини беради. Ёрдамчи инфратузилманинг институтлари бозорнинг профессионал қатнашчиларига турли хизматлар кўрсатади. Гарчи бу хизматлар фонд бозорида товар ҳаракатига бевосита алоқаси бўлмаса-да, ушбу жараён учун зарур шарт-шароит яратади (дастурий маҳсулот ва таъминот ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар, алоҳида турдаги рисклардан суғурталаш, кадрлар тайёрлаш ва танлаш, қимматли қоғозлар бланкаларини тайёрлаш ва ҳ.к.).

Тартибга солувчи инфратузилма ташкил этувчи тизимлардан бири бўлиб, фонд бозорининг барча қатнашчиларини қамраб олади ва улар белгиланган

қоидалар асосида фаолият юритишини таъминлайди. Тартибга солувчи давлат органлари инвесторлар ҳуқуқлари амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини, қонунчилик-норматив базада кўзда тутилган қоидалар доирасида қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг фаолият эркинлигини таъминлайди.

Фонд бозорини тартибга солишда давлат органларининг иштироки мамлакат молиявий хавфсизлигининг зарурий шarti ҳисобланади, чунки дунё тажрибасидан маълумки, бу бозор энг кенг қўламли ва хавфга бой. Назорат функциялари бозор энди шаклланаётган ва ривожланаётган босқичда айниқса фаол амалга оширилиши лозим, чунки фақат давлат бозор механизмини маълум тартиб-қоида асосида ва хавфсиз шаклда ишга тушириши мумкин.

Фонд бозорини тартибга солиш мақсадида ваколатли давлат органлари қўйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

- мафкуравий ва қонунчилик (бозорнинг ривожланиш концепциясини ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш);

- бозор ва унинг инфратузилмасини яратиш учун ресурсларни жамлаш;

- фонд бозорининг профессионал қатнашчилари учун “ўйин қоидаларини” белгилаш (қатнашчиларга қўйиладиган талаблар, операцион ва ҳисобга олиш стандартлари);

- бозорнинг молиявий барқарорлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш (инвестиция институтларининг ҳолатини, ҳуқуқ ва одоб нормаларига риоя қилинаётганини назорат қилиш);

- бозор ва унинг иштирокчилари тўғрисидаги ахборот ошкор этилиши тизимини яратиш, ахборот ошкорлигини таъминлаш;

- инвесторларни зарар кўришдан ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан инвестицияларни суғурта қилишнинг давлат ва аралаш схемаларини яратиш;

- монетар, валюта, фискал ва солиқ сиёсати воситаларининг фонд бозорига салбий таъсир қилишининг олдини олиш;

- фонд бозорининг барча сегментларини бир маромда ривожлантириш.

Юқорида кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун, фонд бозорини тартибга солиш тизими яратилади ва бу тизим қўйидаги асосий воситаларни ўз ичига олади: норматив-ҳуқуқий база, фонд бозори мутахассисларини аттестациядан ўтказиш, профессионал қатнашчиларнинг фаолиятини лицензиялаш, бозорнинг фаолиятини назорат қилиш ва унда ишлаш тартибини бузганлик учун жарима чоралари қўллаш.

Жаҳон мамлакатларида қонунчилик инфратузилмаси фонд бозорини тартибга солувчи, иерархия принципига асосланган бутун норматив базани ўз ичига олади. Олий норматив ҳужжат – фонд бозори амал қиладиган қоидаларни белгилайдиган қонунлардир. Мазкур норматив ҳужжатлар билан қимматли қоғозлар эмиссия қилинганидан ва иккиламчи бозорга муомалага чиқарилганидан кейин юзага келадиган муносабатлар тартибга солинади, фонд бозори профессионал қатнашчилари учун фаолият юритиш қоидалари, тартибга солувчи органларнинг мақоми ва ваколатлари белгиланади.

Ўзбекистонда фонд бозорининг фаолият юритиш принципларини белгилаб берувчи қонунчилик тизимини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Қонунчиликда фонд бозори инфратузилмасини назорат ва бошқарувчи ташкилотлар сифатида Ўзбекистон республикаси хусусийлаштирилган

корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Марказий банк ва бошқаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлари фонд бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг иккинчи даражаси ҳисобланади. Бундай қонунчиликни такомиллаштириш фонд бозорини давлат томонидан тартибга солиш майдонини ва ягона, умумэътироф этиладиган ҳуқуқий муҳит яратишга имкон беради.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб шуни қайд қиламизки:

мамлакатмизда фонд бозоридида шаклланаётган ва ривожланаётган даврда унга ҳам ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларга хос рисклар (сиёсий, макроиқтисодий, соҳага оид, қонунчилик ўзгариши билан боғлиқ ва бошқа рисклар), ҳам қимматли қоғозларга инвестиция киритиш жараёнига хос рискларнинг деярли барча турлари бор бўлган ва фонд бозори инфратузилмаси самарали ривожланган тақдирда, бу рискларни камайтириш мумкин.

тизимли ёндашув асосида фонд бозорини комплекс тадқиқ қилган ва бунинг натижасида фонд инфратузилмасига аниқлик киритиш ва тизимлаштирилган ҳамда унинг таркибини ички (тизим ташкил этувчи) ва ташқи (ёрдамчи) таркибий қисмларга ажратилиши лозим.

фонд бозорини эволюцион ривожланиши жараёнида фонд инфратузилмасини ихтисослашиш ва меҳнат тақсимоти асосида шу бозорга хизмат қиладиган янги фаолият турлари, институт ва тузилмалар пайдо бўлиши учун имкониятлар юзага келган. Демак, фонд бозори самарали ривожланиши учун унинг инфратузилмаси ривожланишда бозордан ўзиб кетиши мақсадга мувофиқ.

## **IMPROVING FINANCIAL RISK MANAGEMENT IN REAL SECTOR ENTERPRISES THROUGH INSTITUTIONAL INVESTMENT MECHANISMS**

***A.A.Isaeva***

*TSUE, Faculty of Evening Education and Master's Studies, Master' student*

Financial risk management has evolved significantly over the past three decades, driven by the increasing complexity of global capital markets, regulatory developments following the 2008 global financial crisis, and the growing prominence of institutional investors as key intermediaries between capital markets and the real economy. Real sector enterprises, those engaged in manufacturing, agriculture, infrastructure, energy, and other productive industries, face a particularly demanding risk landscape characterized by market volatility, interest rate fluctuations, credit constraints, currency exposure, and supply chain disruptions. This study examines that institutional investment mechanisms, when properly designed and regulated, offer real sector enterprises a potent toolkit for improving their financial risk profiles. Institutional investors contribute to risk management not merely by supplying capital, but by demanding higher standards of corporate governance, incentivizing transparent disclosure, facilitating access to sophisticated hedging instruments, and promoting long-term strategic planning over short-term financial speculation.